

**“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ
Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича**

ҲИСОБОТИ

Хурматли акциядорлар!

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) Кузатув кенгаши ўтган 2022 йил давомида ЎзРВБни акциядорлик жамияти сифатида бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажариш, шу жумладан, ЎзРВБ ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг ижроси бўйича маълум ишларни амалга оширди.

1. ЎзРВБнинг корпоратив бошқарув тизими

Кузатув кенгашининг фаолияти ЎзРВБ фаолиятини ривожлантиришга, жумладан, биржа инструментлари қаторини янада кенгайтиришга, ички ҳужжатларни такомиллаштиришга, шунингдек, ЎзРВБ Ижроия органининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилишга қаратилди.

Хусусан, ЎзРВБнинг 2022 йил учун бизнес-режасига ўзгартириш киритиш, ЎзРВБнинг 2023 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш ва ЎзРВБнинг айрим ички ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалалари кўриб чиқилди. Ҳисобот йилида 13 маротаба ЎзРВБ Кузатув кенгашининг мажлислари ўтказилган бўлиб, унда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, ЎзРВБ Ички аудит хизмати ходимини эгаллаб турган лавозимидан озод этиш масаласи ҳамда ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун акциядорлардан келган таклифлар кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, “Bank Apelsin” акциядорлик жамиятини ЎзРВБнинг “А” ва “В” тоифаси, “Madad Invest Bank” хусусий акциядорлик тижорат банкини “В” тоифаси бўйича аъзоликка қабул қилиш, “HI-TECH BANK” хусусий акциядорлик тижорат банки ҳамда “Turkiston” хусусий акциядорлик тижорат банкини ЎзРВБ аъзолари таркибидан чиқариш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон республика валюта биржасида низоларни кўриб чиқиш бўйича арбитраж қўмитаси”, “Ўзбекистон республика валюта биржаси интизом қўмитаси”, “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг трейдерлар қўмитаси таркибидаги айрим номзодлар ўрнига янги номзодлар киритилди.

Шунингдек, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексининг Х-қисмига асосан жамиятдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни жалб қилиш мақсадида танлов ўтказилиб, “ЎзРВБ” АЖда 2021 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” Давлат корхонаси билан шартнома тузиш бўйича қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, ЎзРВБ Ижроия органининг 2022 йил биринчи чораги ва

биринчи ярим йиллиги бўйича ҳисоботлари тасдиқланиб, “ЎзРВБ” АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва янги таҳрири тасдиқланди. Шунингдек, “ЎзРВБ” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “ЎзРВБ” АЖ Ижроия органи тўғрисида”ги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқланди ҳамда ЎзРВБ Ички аудит хизматининг 2021 йил яқунлари бўйича ҳисоботи тингланди.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли “Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида” ҳамда 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сонли “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида янги инструментлар ва ЎзРВБнинг валюта бозори билан бирга ДҚҚ бозорида ҳам маркет-мейкерлик фаолияти жорий қилиниши, шунингдек ЎзРВБ аъзолигига “С” тоифаси киритилиши бўйича қарорлар қабул қилинди ва шу муносабат билан ЎзРВБнинг айрим ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилди ҳамда янги ички меърий ҳужжатлар тасдиқланди.

“ЎзРВБ” АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегарасини белгилаш масалаларини ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ҳамда ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини чақириш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сонли Қонунига кўра қўшилган қиймат солиғи 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилганлигини ҳамда ЎзРВБда ўтказиладиган банклараро пул бозори биржа савдоларидан ва Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит операцияларидан олинadиган воситачилик мукофотлари ҚҚСни ўз ичига олганлигини инобатга олган ҳолда, мазкур савдолардан олинadиган воситачилик мукофотларини мутаносиб равишда камайтириш масаласи кўриб чиқилди ҳамда тегишли ички меърий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, ЎзРВБ Кузатув кенгаши раисини сайлаш, Бош директор билан тузилган меҳнат шартномани узайтириш, “ЎзРВБ” АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегарасини белгилаш масалаларини ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ҳамда ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини чақириш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, Кузатув кенгашининг айрим биржа инструментлари бўйича воситачилик мукофотини вақтинча ундирмаслик, ЎзРВБнинг 30-йиллиги муносабати билан ташкилот ходимларини мукофотлаш, ЎзРВБ II Ўзбекистон

иқтисодий халқаро форумида ҳомий-ҳамкор сифатида маркетинг тадбирлари билан иштирок этиши бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, Кузатув кенгаши йиғилишларида ЎзРВБ маъмурий биноси ва худудини қайта таъмирлаш, жумладан маъмурий бинога келган асосий электр тармоғининг кабелларини янгилаш, газ қувурини тортиш, чегарадош деворни қайта қуриш ҳамда ЎзРВБнинг ҳовли қисмида ошхона, ишчи блок ва автотураргоҳни қуриш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, ЎзРВБ ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ишга бўлган ташаббускорлигини ошириш, ЎзРВБ фаолиятида бизнес-жараёнларни оптималлаштириш, комиссиялар фаолиятини қисқартириш, Бош директор функсияларини янада кучайтириш орқали ходимларнинг меҳнатини ҳолисона рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон республика валюта биржаси ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон республика валюта биржасининг ижтимоий мақсадларга йўналтирилган тўловлар тўғрисида”ги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

ЎзРВБнинг сифат менежменти тизимини амалдаги ISO 9001:2015 халқаро стандарти талабларига мувофиқлиги бўйича назорат аудитидан ўтказиш борасида кўмаклашиш учун жорий йил феврал ойида шартнома асосида тегишли консултант ташкилот жалб этилди ҳамда 2022 йил август ойида ЎзРВБ сифат менежменти тизимининг ISO 9001:2015 халқаро стандарти бўйича иккинчи назорат аудити муваффақиятли ўтказилди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда ЎзРВБ Ижроия органи томонидан қимматли қоғозлар бозорида ахборотни ошкор қилиш тамойилига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширди.

Шу муносабат билан, акциядорларга доимий равишда Ижроия органнинг чораклик ҳисоботлари, молиявий ҳисоботлар, Кузатув кенгаши йиғилишлари қарорларидан кўчирмалар ва бошқа маълумотлар тақдим этиб борилди. Шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилишлари ва ЎзРВБнинг бошқа фаолияти билан боғлиқ ҳисоботлар ва муҳим фактлар мунтазам равишда ягона корпоратив ахборот порталида ва ЎзРВБ расмий веб-сайтида эълон қилиб борилди.

II. “ЎзРВБ” АЖнинг 2019-2023 йилларга мўлжалланган Ривожланиш стратегияси амалга оширилиши

2019-2023 йилларга мўлжалланган ЎзРВБнинг Ривожланиш стратегиянинг ижросини таъминлаш борасида 2022 йилда биржа савдоларини янада ривожлантириш, уларни ўтказиш усулларини такомиллаштириш чора-тадбирлари доирасида муайян ишлар амалга оширилди.

Биржа валюта бозорини янада ривожлантириш, савдо иштирокчилари учун қўшимча қулайликлар яратиш, биржадан ташқари бозордан ликвидликни биржага жалб қилиш мақсадида 2022 йил давомида ЎзРВБ томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди, жумладан:

- валюта спот операциялари иштирокчилари томонидан тўланадиган воситачилик мукофоти миқдори оптималлаштирилди ва икки баробар қисқартирилди;

- валюта своп бозори иштирокчилари 2022 йил давомида воситачилик мукофоти тўлашдан озод этилди;

- ЎзРВБ валюта бозорида рискларни самарали бошқариш мақсадида марказий контрагент фаолияти жорий этилди. Марказий контрагент фаолиятини амалга оширишда ЎзРВБ валюта бозорида тузилган битимларнинг бажарилишини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

- ЎзРВБда тузилган битимлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун Кафолат жамғармаси ташкил этилди.

Марказий контрагент фаолиятининг жорий этилиши савдо иштирокчиларига битимлар бўйича маблағларни ўз вақтида олишни кафолатлаш ва рискларни бошқаришнинг самарали механизмини жорий этиш имконини берди.

Бундан ташқари, валюта операциялари бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда битим томони сифатида иштирок этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган, Марказий контрагент фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ликвидлик провайдерлари ЎзРВБ валюта бозорида ўз фаолиятини бошлади.

ЎзРВБда илк бор жорий этилган маркет-мейкерлар институти, марказий контрагент ва ликвидлик провайдери фаолияти валюта бозорида дефолтни бошқариш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда муҳим кадам бўлиб, шубҳасиз, республикаимиз молия бозорини ривожлантириш учун стратегик аҳамиятга эга.

Ҳисобот йилида мамлакатимиз капитал бозори таркибининг муҳим бўғини сифатида ДҚҚ бозорини янада ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Бунда, тегишли қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, шунингдек, жисмоний шахслар ДҚҚни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ушбу ўзгаришлар ДҚҚ иккиламчи бозорини фаоллаштириш ва инвесторларнинг кенг доирасини жалб қилиш, шунингдек, инвесторларга турли молиявий инструментларга маблағ киритиш ва шу орқали қўшимча даромад олиш имкониятини яратишга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки хорижий инвестор сифатида илк бор ДҚҚни ЎзРВБ дилери – “Асака банк” АТБ орқали харид қилди.

Шунингдек, бирламчи ва иккиламчи дилерлар институти ДҚҚ бозорида ўз фаолиятини бошлади ва республиканинг 9 та етакчи тижорат банклари бирламчи дилер мақомига эга бўлди.

ЎзРВБ фаолиятида купонли ва дисконтли ДҚҚ бўйича ҳисоблаш учун мўлжалланган халқаро тажрибада қўлланилиб келинаётган эффектив даромадлиликни ҳисоблаш формулаларидан фойдаланиш ҳамда купон фоиз тўловлари тўлаб берилиши даври ҳар олти ойда амалга оширилиши амалиёти жорий қилинди.

Ликвидликни таъминлаш ва савдо ҳажмини ошириш мақсадида ДҚҚ иккиламчи бозори ва РЕПО операциялари бўйича маркет-мейкерлар фаолияти жорий этилди. Шу билан бирга, РЕПО операцияларининг жозибадорлигини янада ошириш мақсадида ушбу операциялар иштирокчилари 2022 йил давомида воситачилик мукофотини тўлашдан озод этилди.

Шу билан бирга, ҳисобот йили давомида Молия вазирлиги томонидан чиқарилган ДҚҚнинг қуйидаги турлари илк бор ЎзРВБ платформасида жойлаштирилди:

- муомала даври 10 йил бўлган 10 млрд.сўмлик узоқ муддатли ДҚҚ. Ушбу инструмент бозорда “бенчмарк” яратиш имконини беради, шунингдек, суғурта компаниялари ва пенсия жамғармаларини жалб қилиш орқали инвесторлар базасини кенгайтиришга кўмаклашади;

- муомала даври 2 йил бўлган 106,3 млрд.сўм миқдорида инфляцияга боғланган ДҚҚ. Ушбу инвестиция воситаси инфляция билан боғлиқ йўқотишларга қарши ҳимоя воситаси ҳисобланади, бу эса инвесторларга инфляция хатарларидан ҳимояланиш имконини беради;

- инфратузилмани ривожлантиришни мақсадли молиялаштириш учун муомала даври 5 йил бўлган 149,7 млрд.сўмлик ДҚҚ. Ушбу қимматли қоғозлар инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва узоқ муддатли маблағларни жалб қилиш учун бюджет тақчиллигини қоплаш имконини беради, бу, ўз навбатида, институтсионал инвесторлар учун ДҚҚ жозибадорлигини оширади.

Шунингдек, Молия вазирлиги ҳамда ЎзРВБ расмий веб-сайтларида ДҚҚни чиқариш графигини олдиндан эълон қилиш ҳамда ушбу бозорда аукционларни ҳафтанинг белгиланган куни ва вақтида ўтказиш амалиёти жорий этилди.

Давлат қимматли қоғозлари билан масофадан туриб савдо қилиш ва бозорда зарур биржа маълумотларини олиш имконини берувчи ЎзРВБнинг “UzCE Mobile GB” мобил иловаси ишга туширилганлиги ҳисобот йилининг муҳим воқеаси бўлди. Мазкур мобил илова юклаб олиш учун AppStore ва PlayMarket электрон дўконларига жойлаштирилди.

Валюта бозори иштирокчиларининг валюта фючерс шартномалари билан операцияларни амалга оширишда амалий кўникмаларини ошириш мақсадида ҳисобот йилининг 6-24 июн кунлари ЎзРВБ савдо платформасида валюта фючерслари бўйича энг яхши трейдер танлови ўтказилиб, ғолибларга ЎзРВБнинг махсус сертификатлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

2022 йил 3 октябрдан Ўзбекистонда илк бор ЎзРВБнинг “Rhombus derivatives” платформасида икки томонлама узлуксиз аукцион усулида валютавий фючерс шартномалари савдоси йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг базавий активи АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси этиб белгиланди.

Бозор иштирокчиларига таклиф этилаётган янги инструмент нафақат валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқ ташқи ва ички хатарларни камайтириш, балки валюта курсининг ўзгаришидан даромад олиш ва янги ҳосилавий инструментларни жорий этиш имконини беради.

Савдо ҳажмини ошириш ва узлуксиз ликвидликни таъминлаш мақсадида 2022 йил 1 декабрдан бошлаб ушбу бозорда илк маркет-мейкерлар – “Капиталбанк” АТБ ва “Ипак йўли” АИТБ ўз фаолиятини бошлади.

Маркет-мейкернинг вазифаларига бозорда доимий кунлик ликвидликни таъминлаш, савдолар давомида маълум миқдордаги фючерс шартномаларини сотиб олиш ва сотиш бўйича икки томонлама котировкаларнинг минимал умумий ҳажмини сақлаб туриш киради.

Ҳисобот йилида ЎзРВБда биржа савдолари ҳажмининг ўсиши максимал даражага етди. Бунда, савдолар умумий ҳажми **706,79 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган давр мос кўрсаткичига (389,21 трлн. сўм) нисбатан **81,6 фоизга** ошди.

Шу билан бирга, ЎзРВБнинг 2022 йилги бизнес-режасига мувофиқ жами даромад кўрсаткичи 52 597,22 млрд. сўм миқдорида режалаштирилган. Ҳақиқатда, ҳисобот йили якунлари бўйича ЎзРВБнинг умумий даромади **88 111,85 млрд. сўмни** ташкил этиб, бизнес-режа кўрсаткичларига нисбатан **67,52 фоиз** ёки **35 514,63 млрд. сўмга** ошди.

ЎзРВБ соф фойдаси **51,44 млрд.сўмни** ташкил этган бўлиб, 2022 йилги бизнес-режадаги прогноз кўрсаткичга нисбатан **33,42 млрд. сўмга** ёки **185,55% га** ошди.

Ҳисобот йилида 2021 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг бир қисми акциядорлар ўртасида белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда дивиденд сифатида тақсимланди, бошқа қисми эса ЎзРВБ савдоларида тузилган битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш кафолат фондини тўлдириш учун юборилди.

Ишончимиз комилки, 2022 йилда қабул қилинган стратегик қарорлар мамлакат ички капитал бозори ва бутун банк-молия тизими инфратузилмасининг асосий ва муҳим бўғинларидан бири сифатида ЎзРВБни янада стратегик ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

ЎзРВБ Кузатув кенгаши келгусида ҳам ривожланиш стратегияси ижросини таъминлаш, Корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларига риоя этиш борасида ўз сабий-харакатларини давом эттиради.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Кузатув кенгаши раиси

Б.Ю. Абубакиров